Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 январь, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 16 (1269)

МДҲ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ КЕНГАЙМОҚДА

Хабар қилинганидек, 19 январь куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди.

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг 19-учрашуви ҳақида сўзлашдан аввал МДҲ тарихига нигоҳ ташлаш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу тарих 1991 йилнинг 8 декабрида Беларус, Россия ва Украина давлатлари раҳбарларининг Беловежское Пушчеда тузган битимидан бошланади. Орадан кўп ўтмай, яъни ўша йилнинг 21 декабрида Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина Алмати шаҳрида ушбу битим юзасидан протоколни имзолаб, «Тенг ҳуқуқли ва аҳдлашаётган олий томонлар» мақомида МДҲ муассиси бўлдилар. Кейинроқ, 1993 йил 9 декабрда бу мамлакатлар сафига Грузия қўшилди.

Юқорида қайд этилган таъсис ҳужжатлари айни пайтда 12 мамлакат томонидан ратификация қилинган. Умуман олганда, МДҲнинг ҳуқуқий расмийлаштирилиши 1993 йил январида унинг низоми тузилиши билан якунланди. Бироқ бу низом ҳали Туркманистон ва Украина томонидан ратификация қилингани йўқ. Шундай қилиб, айни пайтда ўн давлат МДҲ аъзоси, Туркманистон ва Украина МДҲ иштирокчилари бўлиб ҳисобланади.

МДҲ доирасида шу даврга қадар 666 масалалар муҳокама этилди. Уларнинг қарийб ярми иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланган. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳарбий-сиёсий, яна қарийб шунчаси ташкилий ва умумий масалалардир.

1993 йил 24 сентябрда иқтисодий иттифоқни тузиш ҳақидаги шартноманинг имзоланиши Ҳамдўстлик фаолиятининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Айни пайтда ана шу шартноманинг амалга оширилиши кун тартибидаги муаммолардан бири бўлиб турибди. Божхона иттифоқи ва тўлов иттифоқини тузиш иқтисодий иттифоқни мустаҳкамлашдаги муҳим амалий қадамлар ҳисобланади. Шу боис МДҲ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартибидаги асосий масалалардан бири божхона ва тўлов иттифоқини шакллантириш истиқболи билан боғлиқ бўлди.

СУРАТДА: учрашув пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Шуни қайд этиш лозимки, айни пайтда бу иттифоқни яратишнинг илк босқичи якунланди. Россия, Беларус ва Қозоғистон божхона иттифоқини тузиш юзасидан имзоланган битимга биноан ўз давлатлари божхона қонунчилигини мувофиқлаштирдилар. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бу иттифоқни шакллантиришда иштирок этиш юзасидан қатъият билдирмоқда. Бироқ шу ўринда Ўзбекистон бу масалага ўзига хос ёндашаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз божхона иттифоқига аъзо бўлиш бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир этмаслиги, чегаралар ҳар бир мустақил давлатнинг ўз армияси томонидан қўриқланиши, бу давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ўзи мустақил амалга ошириши шартлигини таъкидлади. «Ўшандагина мамлакат мустақиллиги дахлсизлиги тўла таъминланади. Божхона иттифоқи эса ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш асосида ривожланиши керак», деди жумладан юртбошимиз.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида бу гал ўндан зиёд масала муҳокама қилинганини таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарлари муҳокама қилган масалалар орасида ушбу кенгашнинг раисини сайлаш ҳам бор эди. Бу масала Ҳамдўстликнинг қанчалик самарали ишлаши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Давлат раҳбарлари бу масалада якдил фикр билдирдилар. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин яна бир йил муддатга МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши раиси этиб сайланди.

Кенгашда муҳокама этилган масалаларнинг бир қанчаси мустақил давлатлар ҳудудида ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқдир. Давлатлар раҳбарлари бу мавзудаги концепцияни қувватладилар. Бу соҳадаги масалалар орасида МДҲ коллектив тинчликни таъминлаш кучларининг Тожикистонда бўлиши ваколатларини узайтириш ҳам бор эди. Ўзбекистон раҳбари бу масалага ёндашувда Тожикистонда тезроқ тинчлик ва барқарорликка эришиш асос қилиб олиниши шартлигини таъкидлади. Хусусан, Ислом Каримов МДҲ давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидан бир кун аввал Кремлда Борис Ельцин билан учрашув чоғида ҳам Россия Президенти эътиборини шу масалага қаратди. Тожикистон ҳукумати муҳолиф томон билан БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар синчилари иштирокида Тожикистондаги аҳвол ва унинг истиқболи масаласини муҳокама қилиб, бир қарорга келиши, шунингдек, мамлакат барча вилоятлари, сиёсий кучлари вакиллари иштирок этадиган Тожикистон халқлари конгрессини чақириш мақсадга мувофиқ. Унда мамлакат келажаги муҳокама қилиниб, анжуман хулосалари тинчликни қарор топтириш йўлида татбиқ этилиши лозим. Ана шу тақдирдагина МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколатларини яна узайтириш тўғри бўлади. Бу — ягона миллат фарзанди бўлган икки муҳолиф томон вакилларининг адоватларни унутиб, ўсиб келаётган, туғилажак авлод олдидаги бурчларини ҳис этган ҳолда бир-бирига ён бериши лозимлигини англатади. Ислом Каримов мансаб ва ҳукумат талашиш аслида бир гўдак кўз ёшига арзимаслигини, ҳеч қандай сабаб инсонни ҳаётдан жудо этишни оқламаслигини яна бир карра қайд этди. Кенгаш Ўзбекистон раҳбари фикрини қувватлади. Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш кучлари ваколати олти ойга узайтирилди. Мажлисда генерал-лейтенант В. Заварзин Тожикистондаги МДҲ тинчликни таъминлаш коллектив кучларининг янги қўмондони этиб тайинланди.

Кенгашда Абхазиядаги ихтилофни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу масалани ҳал этишда ҳам юртбошимиз билдирган фикрлар асос бўлиб хизмат қилди. Ислом Каримовнинг масалага ёндашувда аввало Грузиянинг ҳудудий бутунлигини, Абхазиянинг бу мамлакат таркибига киришини эътироф этиш зарурлиги, барча қўмаклар Грузия ҳукумати орқали амалга оширилиши кераклиги борасидаги таклифлари шулар жумласидандир.

МДҲ давлат раҳбарларининг 19-учрашувида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар маданият арбобларининг конгрессини ўтказиш масаласи ҳам муҳокама этилди. Шуниси қувончлики, бу масалада барча давлатлар раҳбарлари якдиллик билдирдилар. Бу янги мустақил давлатлар тарихан шаклланган маданий алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдори эканини кўрсатади.

МДҲ давлат раҳбарлари кенгашида, шунингдек, мустақил давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

— Биз муҳокама қилинган масалаларга мамлакатимиз манфаати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдик, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мен ушбу учрашув натижаларидан мамнунман. Чунки биз имзолаган ҳужжатлар тарихан шаклланган иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Амирқул КАРИМ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ҚИШЛОҚДА МИТТИ ЗАВОД

Пахтаобод туманидаги Уйғур қишлоғида сутни қайта ишлайдиган митти заводнинг ишга туширилиши қишлоқ аҳли ва фермерларни хурсанд қилди.

Тадбиркор А. Омонбоев автомашинаси ва бир нечта молини сотиб, Россиядан сутни қайта ишлайдиган митти завод ва совутгич қурилмаси сотиб олди. Корхонани кенгайтириш учун эски устахона биносини ижарага олди. Уни таъмирлаб, ускуналарни ўрнатди. Ҳозир митти корхонада кунига бир ярим тоннагача сут қайта ишланиб, ундан сариёғ, қаймоқ, қатиқ ва сузма олинмоқда. Бу маҳсулотларни уйғурликлар ва қўшни қишлоқдагилар бажонидил сотиб олмоқда.

ЖАРРОҲЛАР АНЖУМАНИ

Сурункали жигар касалликларини даволашнинг замонавий усуллари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказида ўтган республика конференциясининг мавзуси бўлди.

Инсон жигарини кўчириб ўтказиш мураккаб ва қиммат-га тушадиган ташрихдир, бироқ гап бемор ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида борганда ҳар қандай харажатдан қочмаслик керак. Ҳозирча республикада бундай ташрих ўтказилаётгани йўқ. Анжуманда иштирок этган хорижий мутахассислар жарроҳлик йўли билан даволашнинг ушбу турини ўзлаштиришда ўзбекистонлик касбдошларига ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар. Анжуман доирасида шу масалага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЭНДИ ЁҒ ҲАМ СЕРОБ БЎЛАДИ

Ховос туманидаги Фарҳод ширкатлар уюшмаси жамоаси ўтган йили Германиянинг VELEX (ВЕЛЕКС) фирмасидан ёғ-экстракция цехи сотиб олиб, ишга туширишган эди. Қиймати 315 минг АҚШ доллари турадиган бу мини-заводни ўрнатишда тожикистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилинди. Корхона кунига 2,5 тонна чигитдан 250 килограммгача пахта ёғи олиш қувватига эга. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисми уюшма деҳқонларига 20 фоиз арзон нархларда сотилмоқда.

Яқин келажакда хўжаликда мева қуритиш цехини ишга туширишни ҳам мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: корхона оператори Азиз Бойметов ширкатлар уюшмаси раиси Алишер Жумаев билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

...МАНҒИТ СУВ ЙЎЛИГА УЛАНДИ

Хоразм воҳасини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб ва муҳим вазифалар сирасига киради.

Аммо пировард натижа интилиш, изланиш, ҳафсала, ихлос ва истакка боғлиқ. Вилоятнинг айрим туманларида қишлоқларни водопроводлаштириш топшириғи ҳали 40 фоизга ҳам етмаган бир пайтда муҳим умумдавлат аҳамиятига молик вазифа Хонқа туманида салкам 80 фоизга етди. Куни кеча яна бир ҳайрли яшга якун ясалди. Туман ичимлик сув тармоқларини Туямўйин -Урганч-Манғит сув йўлига улаш ишлари тугалланди. Шу ниятда янги сув тақсимлаш иншооти барпо этилди. У юқори қувватли замонавий сув насослари ва бир йўла минг куб метр оби ҳаётни тинита оладиган бетон ҳовуздан иборат. Тинитиб, тозаланган ичимлик сувидан дастлаб туман марказги аҳолиси баҳраманд бўлди. Энди у туманнинг бошқа қишлоқлари ва аҳоли пунктлари томон оқа бошлайди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

• Мухбиримиз бонг уради

ҲИММАТИНИ ЙЎҚОТГАН ТАДБИРКОРЛАР

ёки Жиззах вилоятининг айрим маиший хизмат шохобчаларидаги ноқулай аҳвол хусусида

Халқимизда «Элга хизмат — олий ҳиммат»деган доно нақл бор. Бу ҳикмат қачон пайдо бўлганини билмаймиз-у лекин айнан халқ учун кундалик энг зарур юмушларни бажарувчи маиший хизмат соҳасининг мутасаддиларига аталганини инкор этолмаймиз.

Зеро, яқин ўтмишда бу соҳанинг сартарошлик, этикдўзлик, суратка шлик, соатсозлик, бичиш-тикиш, уй электр асбоблари ва радио-телевизор тузатиш устахоналари қишлоқ аҳолисига беминнат хизмат кўрсатарди. Ҳатто кийимкечакларни кимёвий усулда тозаловчилар махсус автоуловда қишлоқма-қишлоқ юриб буюртма олишарди.

Бозор иқтисодиёти шарофати билан ана шу тармоқ корхоналарида хусусийлаштириш бошланди. Маҳаллий аҳолидан тадбиркорлар чиқиб маиший хизмат ўйларини сотиб олдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари эса бундай тадбирни қўллаб-қувватладилар. Чунки улар хусусий корхоналар хизмати давлатникидан қулай ва бирмунча сифатли бўлишини билишарди. Шаҳарларда ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Ўзаро рақобат асосида маиший хизмат турлари тобора кўпайиб, арзонлашиб бормоқда. Қишлоқда-чи?

Мисоллар келтирамиз: Арнасой тумани марказидаги маиший хизмат уйини Мирож Аҳроров сотиб олганди. Шу-шу ривож топиш ўрнига сусайиб, бор ходимлар тарқаб кетди. Ҳаттоки сартарош ҳам қолмади. Бироқ янги бошлиқ даромад қилишнинг «антиқа» йўлини топди. Тумандаги «Тадбиркорбанк» ва «Халқ банки» бўлимларини ижарага кўйиб, кайфу-сафо қилиб юраверди. Нега десангиз, тушган ижара пулидан ҳам чўнтак қаппайди, ҳам солиқ тўлаб турди.

Худди шунингдек, Пахтакор туманидаги «Ҳаётбахш» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси қўрғонида ҳам икки қаватли кўркам бино бор. Уни Жўрабой Салаев деган ёш йигит сотиб олгач, нафақат пештоқдаги «Маиший хизмат уйи» деган ёзув, балки тикув-бичув цехи, радио-телевизор, суратка шлик, этикдўзлик устахоналари ҳам йўқолди. Фақат сартарошхона қолди. Янги «хўжайин» сартарошга ҳам «ё тушумингни менга тўлайсан ёки хонани бўшатиб кўясан» деб зуғум ўтказаётган эмиш.

Зарбдор туманининг айрим қишлоқларида бундан-да ачинарли аҳволга дуч келдик. «Андижон» ширкатлар уюшмасидаги маиший хизмат уйи икки йил бурун турар-жой сифатида одамларга бериб юборилган. Оқибатда, бугун хўжаликнинг марказий қўрғони, Кориз, Жувонсийрак каби йирик қишлоқлари аҳолиси соч-соқол олдириш, этик яматиш ёки суратга тушиш учун 30-40 чақирим йўл босиб туман ёки вилоят марказига қатнамоқдалар. Мазкур туман ҳудудида жойлашган «Истиқбол» ширкатлар уюшмасидаги икки қаватли шундай бино ташландиқ ҳолга келиб қолгач, бултур уни Валентина Елагина исмли аёл ўғиллари ва келинлари билан ижарага олди. Ҳозир бу тўрт оила тахсинга сазовор ишлар қиляпти. Далада беш гектар пахта майдонлари ҳам бор. Турли касб-ҳунар қўлидан келадиган ўғиллари даладан бўш пайтларида бинонинг биринчи қаватини ўзлари таъмирлашди. Бу ерда сартарошхона, суратхона, этикдўзлик, теле-радио устахоналари очиш ниятидалар. Аммо уларга моддий-маънавий ёрдам берадиган дзамат топилмаяпти. Шу хўжаликка туташ «Зарафшон» ширкатлар уюшмасида эса маиший хизмат шохобчалари аввал ҳам бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлиши гумон. Бу эса туман маиший хизмат уюшмаси раиси Шукрулло Тилаговни ташвишга солмаяпти.

Биз маиший хизмат соҳасидан бир неча мисол келтирдик, холос. Бундай камчилик-нуқсонларни ҳар бир шаҳар ва туманда, ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин. Маиший хизмат соҳасида юзага келган бундай вазият нафақат вилоят, балки республика раҳбариятининг ҳам эътиборини қаратди. Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят кенгашлари сессияларида айнан қишлоқ жойларида маиший хизмат даражаси ёмон аҳволда эканлигини куюниб гапирдилар. Яқинда бўлиб ўтган Жиззах вилоят фаоллари кенгашида «Шу камчиликларнинг барчаси бизда ҳам мавжуд»дея тан олинди.

Камчиликни тан олиш яхши. Бироқ уни бартараф қилиш оғир кечяпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 12 октябрда «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу ҳужжатга асосан барча туманларда янгидан маиший хизмат уюшмалари ташкил этилиб, унинг раҳбарияти, Низоми тасдиқланди. Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ягона қоидалари кучга кирди. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир маиший хизмат корхонаси раҳбари, ходимлари энди аттестация орқали ишга олинади.

Мана шундан бери икки ой ўтди. Юқорида тилга олганимиз корхоналарда ўзгариш сезилмаяпти. Туманлардаги янги уюшма раҳбарлари ишни ташкил қилолмаганликлари оқибатида хусусий мулк эгаларидан қўлларида асосий дастур бўлиб турган уч томонлама шартномага риоя қилмаётганликларини сўролмаяптилар. Хусусийлаштириш идораси ва маиший хизмат уюшмаси мулк эгаси ўртасидаги ана шу шартномага биноан мулкдор ўз мулкини бошқага сотишга, беш йилга қадар хизмат йўналишини ўзгартиришга ҳаққи йўқлиги, балки хизмат соҳаларини кўпайтириб, ривожлантириш зарурлигини уқдириб қўёлмаяптилар...

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЕНЕЖЕРЛИК МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Самарқандда бошқарув ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш маскани — «Менежер» мактаби очилди.

Самарқанд шаҳри ва туман ҳокимликлари ходимларидан таклиф этилган дастлабки гуруҳ бу ерда таҳсил олишга киришди.

(ЎзА).

• Диққат: танлов!

«ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ — ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ»

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — (ЎзА), «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб «Истиқлол йўли — истиқбол йўли» мавзуида энг яхши публицистик ва фото асарлар учун танлов эълон қилади.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

Публицистик асарлар учун:

1-мукофот 1 та — 10.000 сўм
2-мукофот 2 та — ҳар бири 7.500 сўмдан
3-мукофот 3 та — ҳар бири 5000 сўмдан

Фото асарлар учун:

1-мукофот 1 та — 3000 сўм
2-мукофот 2 та — ҳар бири 2000 сўмдан
3-мукофот 3 та — ҳар бири 1000 сўмдан

Танловга келган асарлар «Истиқлол йўли — истиқбол йўли» танловига» рукни остида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинади.

Танлов Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрами кунлари якунланади.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — (ЎзА) ва «Халқ сўзи» ҳамда «Народное слово» газеталари буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган публицистик асарлар — мақола, очерк, суҳбат, репортаж ҳамда фотосуратлар учун танлов эълон қилади. Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

Публицистик асарлар учун:

1. Битта биринчи ўрин — 10.000 сўм.
2. Иккита иккинчи ўрин — ҳар бири 7500 сўмдан.
3. Учта учинчи ўрин — ҳар бири 5000 сўмдан.

Фотосуратлар учун:

1. Битта биринчи ўрин — 3000 сўм.
2. Иккита иккинчи ўрин — ҳар бири 2000 сўмдан.
3. Учта учинчи ўрин — ҳар бири 1000 сўмдан.

Танловга келган асарлар «Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган танловга» рукни остида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинади.

Танлов Амир Темурнинг 660 йиллик тўйи кунлари якунланади.

• Бугуннинг гапи

ЖАМҒАРМА БАНК ХАЛҚ БАНКИГА АЙЛАНГАЧ...

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида молия ва банк тизимининг роли тубдан ўзгармоқда. Чунки бозор муносабатларини бошқариш даврида давлат томонидан олиб бориладиган деярли барча ишларнинг оғирлиги ана шу тизимлар фаолиятига бориб тақалади.

Шу боис ҳукуматимиз томонидан банк тизимини янада такомиллаштириш, банклар мустақиллигини ва пул муомаласидаги жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Айниқса, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг янада қарор топишига замин яратди.

Бу эса ўз навбатида республикада икки босқичли банк тизими, яъни Марказий ҳамда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғини вужудга келтирди.

1995 йил 4 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши банк тизимини янада такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, миллий валютамиз — сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Қарорда белгилаб қўйилганидек, Халқ банки муассасаларининг 1999 йил 1 январгача барча солиқ турларидан озод қилиниши бўш маблағларни банк операцияларини бажаришда ички локал компьютер тармоқларини ташкил этишга, моддий техника базасини яратиш ва банк муассасалари тармоқларини кенгайтиришга, хорижлик мутахассисларни жалб қилишга, шунингдек, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга йўналтириш имконини берди.

— Жамғарма банкининг халқ банкига айлантирилишидан мақсад собиқ Жамғарма банки таркибида аҳолининг эркин пул маблағларини омонатларда сақлашларини рағбатлантирадиган, яъни инфляциядан сақлайдиган ва ҳар бир қишлоқда, аҳоли яшайдиган жойларда, хўжаликлар ҳудудларида замонавий техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланган, жаҳон андозалари даражасида банк хизмати кўрсатадиган, оила бюджетини тўғри ташкил этишга кўмаклашадиган универсал банк яратишдир, — дейди халқ банки бошқаруви раиси Нуриддин Муҳиддинов. — Тўғри, бугунги кунда 2676 та муассасамиз аҳолига 90 турдан зиёд банк хизматларини кўрсатмоқда. Жумладан, аҳолининг пул маблағларини омонатларга қабул қилиш, ойлик, нафақа, моддий ёрдам пулларини тўлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб муомалаларини бажариш, қимматли қоғозлар сотиш ва улар бўйича даромадлар (дивидентлар) тўлаш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб счетларини юритиш, аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун қарзлар бериш ва бошқа хизмат турларини кўрсатарди. Мавриди келганда шуни ҳам қайд этиш зарурки, шу пайтга қадар аҳолига банк хизмати кўрсатиб келган мазкур банкларимизнинг кўпчилик қисми талаб даражасида деб бўлмасди. Улар техникавий жиҳатдан тўлиқ жиҳозланмаганлиги, алоқа воситаларига эга эмасликлари сабабли аҳолига фақат айрим банк хизматларинигина кўрсатардилар. Бундан ташқари, улар барча аҳоли яшаш жойлари, хўжалик ҳудудларида очилмаганди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмас эди. Кўриниб турибдики, Жамғарма банкининг Халқ банкига айлантирилиши бежиз эмас. Шу боис, 1998 йилгача ҳар бир қишлоқда, аҳоли яшайдиган жойда, ҳар бир хўжалик ҳудудида банк бўлимларини очиб, уларнинг сонини 9170 тага етказиш режалаштирилган. Бу дегани, ўртача ҳар 500 оилага биттадан Халқ банки бўлими хизмат кўрсатишга эришилади. Уларда хизмат сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш, омонатларнинг янги хилларини жорий қилиш ва омонатчиларнинг манфаатдорлигини таъминлайдиган фоиз ставкаларини белгилаш, ютуқли омонатлар тизимини жорий қилиш, облигациялар, ҳар хил турдаги лотерея билетларини чиқариш, хорижий валюталарни омонатларга жалб қилиш, аҳолининг товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий тизими яратилиши лозим. Шу жумладан, пул маблағларини тезлик билан ўтказиш ва пластик карточкаларни жорий қилиш, тўлов ҳужжатлари ва қимматли қоғозлар (чеклар, аккредитивлар, векселлар, сертификатлар)ни чиқариш ва сотишни ташкил этиш жисмоний ва юридик шахсларга кредит ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш белгиланган. Шулардан биз ҳозир республикамиз ҳудудида биринчи бўлиб, аҳолининг вақтинчалик бўш маблағларини уйда эмас, балки омонатларда сақланишни рағбатлантирадиган 3,6,12 ойлик қисқа муддатли депозитларни ҳар ойда фоиз тўланадиган «Капитал» ва «Капитал-Люкс» омонатларини ҳамда «Ўқувчи» ва эркин валюталар омонатларини қабул қилишнинг янги турларини амалиётга жорий этдик. Яқинда шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозлар турларидан ҳисобланган сертификатлар ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг биринчи чорагида эса аҳоли учун векселларни ва даромадли облигацияларни муомалага чиқаришни режалаштирганмиз. Аҳолига кўрсатилаётган ана шундай янги хизмат турларининг ошиб бориши самараси ўлароқ, ўтган йилнинг тўққиз ойида 1994 йилнинг 9 ойига нисбатан омонатларга 3,7 марта кўп маблағ жалб қилинган. Нақд пулсиз тушумлар 7,6, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 36,5, пуллик хизматлар ҳажми 12,1 марта кўпайишига эришилди.

Тўғри, ҳали банкимиз олдида кўпгина масъулиятли ишлар турибди. Булар муассасалар сонини кўпайтириш ва уларни техник жиҳатдан жиҳозлашгина эмас, балки энг асосийси, халқ билан ишлай оладиган, малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг доимий равишда малакасини ошириб боришдир. Чунки ҳар қандай банкка кирган киши биринчи навбатда банкнинг ташқи кўриниши, унинг безатилишига қараса, иккинчи навбатда банк хизматчиларининг муомаласи, ўзини тутиши ва ўз ишини қай даражада билишига аҳамият беради. Мана шу кўрсаткичлар одамларда яхши хотира қолдиргандагина у қизиқтирган масалалар бўйича мурожаат қилиши ва банкнинг доимий мижозига айланиши мумкин. Акс ҳолда бундай банк узоққа боролмайди. Шу сабабли биринчи навбатда ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бунинг учун Нукус, Тошкент шаҳарларида, ҳар бир вилоят марказларида ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун ҳозирги замон компьютерлари ва бошқа техника воситалари билан тўла жиҳозланган ўқув марказлари ташкил қилинмоқда. Бу ўқув марказларида банкимизнинг ҳар бир ходими икки йилда камида бир марта малакасини ошириши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш турлари, маданияти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш мақсадида хорижий мутахассисларни жалб қилиш, ходимларимизни хорижга ўқишга, малака оширишга юбориш режалаштирилган ва ҳозирги кунда бу борада бир нечта жаҳондаги етакчи банклар билан музокаралар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда банкимизда муассасалараро ички тизимли локал компьютер тармоқлари ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда ва мутахассисларимиз томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий тизимини яратиш, пластик карточкаларни жорий этиш борасида бир қатор хорижий банкларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилмоқда. Ўйлаймизки, уч йил ичида республикамиз аҳолиси яшаш жойидан қатъий назар, товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий усули бўлмиш пластик карточкалар билан муомала қилишга тўлиқ ўтади. Гарчанд республикамиз ҳудудида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари ўтган йилга нисбатан 36,5 марта кўпайган бўлса-да, у асосан Жамғарма банкининг ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари орқали амалга оширилган. Лекин у ҳар доим ҳам аҳоли учун қулай деб бўлмайди. Шунинг учун пластик карточкалар нафақат банк тизимини ривожлантириш,бинобарин халқимиз учун қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирдир. Бундай карточкаларни аввалига республикамиз миқёсида жорий этамиз. Унда ҳар бир фуқаро республикамизнинг исталган еридан хоҳлаган ҳудудига пул ўтказиш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, карточкалар фуқаролар ҳамёнида катта миқдордаги нақд пулларни олиб юрмаслик имкониятини беради. Карточкалар орқали барча савдо шахобчалари, маиший хизмат пунктлари ва бошқа хизмат турлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш имкони яратилади. Келажакда эса пластик карточкалар орқали миллий валютамизнинг халқаро қадр-қиммати ортиб бориши билан чет элларда ўз сўмимизни хоҳлаган турдаги валютага айрибошлайдиган ва ҳисоб-китоб қилаоладиган бўламиз.

Энди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармонига тўхталадиган бўлсак, ҳозир бу борада бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди. Вилоятларга 40 га яқин мутахассисимиз жўнатилди. Улар муассасаларда назорат ишларини олиб бориш билан бирга амалий ёрдам ҳам беришади. Яқин кунлар ичида индексация пул миқдорлари аниқланиб, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб аҳоли омонатлари ўн йил давомида босқичма-босқич, яъни аҳолининг барча тикланган ва индексация қилинган омонатларига инфляциянинг ҳолати ва қўшимча даромадлар олинишини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкалари билан тўланади. Бу фоиз ставкалари тўланиши баробарида изчил ўсиб боради. Бу тўлов миқдорлари ҳозирча қуйидаги миқдорларда белгиланган: 1996 йилда — йиллик фоиз ставкалари қўйилган ҳолда омонат умумий миқдорининг 10 фоизи, 1997 йилда — 20 фоизи, 1998 йилда — 30 фоизи берилади ва ҳоказо.

1996 йил 1 мартгача «Индексация» махсус счетлари очилади, аҳолининг пул маблағлари ана шу счетларда жамланади. Шу йилнинг июлига қадар эса ҳар бир кишига счетларида пул миқдори кўрсатилган омонат дафтарча берилади.

Кўриниб турибдики, республикамиз аҳолиси банкларимизга қўйган омонатларидан ҳечам ҳавотирга тушмасалар бўлади. Ҳукуматимизнинг бу борада амалга оширган ишлари, фармон ва қарорлари халқимизга кўрсатилаётган ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир. Бир сўз билан айтганда, Халқ банкининг чин маънода халқимиз банкига айланаётганлигининг далилидир.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи»нинг банк ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича шарҳловчиси.

• Иқтисодий шарҳ

ФАРОВОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти сўзлаган нутқи ўзининг кенг қамровлилиги, теранлиги ва назарий хулосалари билан ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллади. Маърузада ислоҳот жараёнларининг борищи таҳлил этилиб, 1996 йилда республикамиз олдида турган вазифаларнинг устивор йўналишлари белгилаб берилди.

Ўтган йилнинг иқтисодий соҳадаги муҳим якуни ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатишдан иборат бўлди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пастга қараб сирғанишининг олдини олишга имконият яратди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ёқилғи-энергетика, нефть-кимё, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби қатор тармоқларда юксалишга эришилди.

Халқ хўжалигида эса сифат ўзгаришлар чуқурлашди. Давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат секторининг ҳиссаси ортди. Улар ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ва барча капитал маблағларининг 40 фоиздан ортиқроғини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 97 фоизини берди. Бу секторда ҳозир иш билан банд аҳолининг 64 фоизи меҳнат қилмоқда. Хўш, иқтисодиётимиздаги ана шу ижобий силжишлар нималар ҳисобига таъминланди? Балки қулай жуғрофий, табиий шароит ҳал қилувчи роль ўйнаётгандир? Аммо бу омиллар қўшни жумҳурият, мамлакатлар учун ҳам деярли баб-баравар-ку. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қўшни давлатлар сингари халқаро кредитларга кўз тикиб ўтирганги йўқ. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тараққиётнинг ички имкониятларига таянди. Жумладан, ёқилғи-энергетиканинг асосий қисмини берадиган Ҳамдўстлик мамлакатларида газ ва нефть ишлаб чиқариш кескин пасайган бўлса, Ўзбекистонда ўтган йили нефть ва газ конденсати қазиб олиш деярли 1,5 марта ошди. Илгари четдан нефть келтириш 4 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 750 минг тоннага камайтирилди. Албатта, буларнинг барчаси нефть қазиб олишга ва уни қайта ишлайдиган заводларнинг қувватини оширишга катта маблағлар сарфланганлигининг самарасидир.

1994 йилда Ўзлбекистонда 2,7 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 4,4 млн. тоннага етди. Аввал республикамизда дон ишлаб чиқариш ҳеч вақт икки миллион тоннага етмаган эди. Истеъмолнинг деярли учдан икки қисми ташқаридан ғалла сотиб олиб келиш ҳисобига қондириларди. Импортнинг асосий қисмини ана шу истеъмол маҳсулоти ташкил этарди. Ўтган йили биргина тайёрланган ғалланинг ўзи 3,3 миллион тоннани ташкил этди. Шу мақсадда экин майдонларининг структураси ўзгартирилиб, ғалла майдонларининг улуши жиддий оширилди.

Шу ўринда дон ва ёқилғи-энергетика мустақиллиги кимга ва нимага керак, деган савол туғилиши табиий. Бу, биринчидан, юртимизни ташқи бозорга қарамликдан халос этади. Иккинчидан, бу маҳсулотларни мамлакат ичида ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш натижасида катта миқдорда маблағ тежалади. Ниҳоят, учинчидан, бу ишнинг маънавий-психологик томонлари ҳам йўқ эмас. У кишиларда ислоҳотнинг боришига ишончни мустаҳкамлайди, устун соҳаларни босқичма-босқич ривожлантириш орқали мақсад сари боришнинг ҳақиқатлиги ва афзаллигини намойиш этади.

Бугун бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни узлуксиз ошириб бориш билан бир қаторда тежамкор технология ва ёқилғининг ноанъанавий турларини топиб, улардан кенг фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Масалан, дон истеъмолини озиқ-овқат таркибида сабзавот ва меваларнинг ҳиссасини ошириш орқали чегаралаш мумкин. Ёқилғи-энергия таркибида эса шамол, сув, қуёшдан, геотермал сувлардан, агар керак бўлса, техника экинларидан этил спирти ажратиб олиб, ёқилғи сифатида фойдаланиш нефть ва газни тежаш имконини беради.

Муаллифингиз ўтган йили Калифорниянинг шамоллар дарасида минглаб шамол парракларининг энергия ҳосил қилишини кузатган эди. Унинг Марказий Осиёда ҳам шундай энергия ҳосил қилишга ўтиш учун нималар керак деган саволига ўша ерлик менежер шундай деб жавоб берди: бунинг учун учта омил даркор — шамол, хоҳиш-истак ва маблағ. Ҳозирги кунда эса шамол, хоҳиш-истак ва шамол керагидан ҳам ортиқ. Зарурат ҳам бор. Экология, табиатни авайлаб-асраш муаммоси ана шундай ноанъанавий энергия турларидан кенг фойдаланишга ўтишни тақозо этмоқда. Бу борада Фанлар академиясининг қатор институтлари, айрим тармоқ илмий муассасалари ва ўқув юртлари лабораторияларида ноанъанавий энергия ҳосил қилиш, иккиламчи хомашёлардан самарали фойдаланиш бўйича жаҳон андозаларидан кам бўлмаган илмий-тадқиқот ва ҳатто амалий ечимлар бор. Энди у халқ хўжалигида ўз аксини топиши керак.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигини ҳаёт-мамотимизни, иқтисодий мустақиллигимиз тақдирини ҳал этадиган соҳа деб атади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истеъмол бозорини тўйинтириш ва шу орқали инфляция ва ортиқча эмиссияга барҳам беришга имконият яратади.

1994 йилда илк бор Ўзбекистонда ташқи савдо балансида фаол салдога эришилди. Яъни, ташқарига мол чиқариш ташқаридан мол киритишга нисбатан сезиларли даражада устун бўлди. Бундан аввал ҳамиша пассив ташқи иқтисодий алоқа салдосига эга эдик. Чунки ташқарига, хомашё, ярим тайёр маҳсулот чиқариш ташқаридан тайёр мол олиб келишга нисбатан бир неча бор арзон. Бир вақтлар пахта Ўзбекистон экспортининг 60-70 фоизини ташкил этар эди. Бугун нафақат пахта толаси, бошқа хомашёлар, шу билан бирга мураккаб техника воситалари — тракторлар, самолётлар Ҳамдўстлик мамлакатларигагина эмас, балки саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда.

1996 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар сирасига иқтисодиётни таркибий янгилашни давом эттириш, устивор йўналишларни белгилаб, бу соҳаларда жадал ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ва шу мақсадда кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, қишлоқда хўжалик юритиш шаклларини кенгайтириш йўли билан ислоҳотнинг боришини чуқурлаштириш ва бошқалар киритилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жамиятда кескин табақаланиш даражасини юмшатиш, халқ айрим гуруҳларининг қашшоқлашувига йўл қўймаслик муҳим вазифалар сифатида қўйилмоқда. Маориф, соғлиқни сақлаш, маънавият ва ахлоқни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш, эркин демократик жамият қуриш, келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги кўрсатилди.

1995 йилда янгиланиш ва юксалиш сари илдам бориш йўлида яхши пойдевор яратилди. Эндиги вазифа, биздан ҳақли талаб этилаётганидек, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ фаровонлигининг юксалиши йўлида бурилиш ясашдир. Ишончимиз комилки, уни шараф билан адо этамиз.

Н. ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

30дан ЗИЁД ЯНГИ НУСХА

Марғилондаги «Ипакчи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан шойи газламаларнинг жаҳон андозаларига мос келадиган нафис ва сифатли нусхаларини яратиш юзасидан кўрик-танлов ўтказишга қарор қилди.

Унда рассомлар, жилокорлар ва дессенаторлар қатнашадилар. Ҳозирнинг ўзида ижодий гуруҳлар томонидан газламаларнинг 30 дан зиёд янги нусхаси яратилмоқда. Жамоа рассомлари эса 1996 йил давомида жами 54 та янги газлама турларини ишлаб чиқаришга жорий этишни режалаштирдилар.

Марғилон ипакчилари янги йилдан бошлаб, маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш ҳисобига тайёр газламалар ишлаб чиқаришни 15 миллион 200 минг погон метрга, ҳом газламалар ишлаб чиқаришни 16 миллион 170 минг погон метрга етказадилар. Шу йилнинг ўзида 1 миллиард 48 миллион 365 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланади.

Ў. ЭШОНБОЕВ,
Марғилон очиқ турдаги «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятининг «Марғилон ипаги» газетаси муҳаррири.

ОЛАМДА НИМАГАПЛ

МАМЛАКАТ ТАРИХИДА ИЛК БОР

Португалия Миллий сайлов комиссияси социалистик партия томонидан номзоди кўрсатилган Жоржи Сампайонинг мамлакат Президенти этиб сайланганини расмий равишда эътироф этди.

Жоржи Сампайю шу йилнинг 14 январида бўлган сайловда 53,38 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди.

Португалия конституциясига биноан, мамлакат раҳбари беш йил муддатга сайланади. Жоржи Сампайю 1996 йил 9 мартдан бошлаб ўз вазифасини бажаришга киришади.

Маълум бўлишича, ушбу сайловда мамлакат тарихида илк бор социалистик партия вакили президентлик лавозимига сайланган.

17 ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Хитойнинг Куньмин шаҳрини Вьетнам пойтахти Ханой билан туташтирадиган темир йўл яна ишга тушади. Темир йўлдан поездлар ҳаракатини шу йилнинг 19 февралида бошлаш мўлжалланмоқда.

Поездлар қатнови 1979 йилда Пекин ва Ханой ўртасидаги қуролли тўқнашувлар натижасида тўхтатиб қўйилган эди. Томонлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланганидан сўнг эса қатновни яна тиклаш масаласи ўртага ташланганди.

1996 йилда, шунингдек, Ханой-Лангшон-Пенсян-Пекин йўналиши бўйича яна бир темир йўлни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

ХАРАЖАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ УЧУН

Халқаро валюта фондининг шу йил 14 январда берган баёнотида айтилишича, жаҳоннинг етакчи саноат мамлакатлари ўз миллий жамғирмаси харажатларини қисқартириш учун ривожланаётган давлатларга бериладиган ёрдамни маълум миқдорда камайтирмоқда.

1994 йил дунё бўйича расмий ташқи ёрдам учун 66 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган эди. Пул қадрсизланишини ҳисобга олганда, бу рақам 1993 йилдагидан 3 миллиард доллар, 1990 йилдагидан эса 12 миллиард доллар камдир.

Умуман, кейинги вақтда ҳукумат ёрдамлари ўрнини хусусий сармоялар эгалламоқда, дейилади халқаро валюта фонди баёнотида.

ПОКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

Ҳиндистон ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага имзо чеккан тақдирдагина Покистон ҳам бу битимга қўшилади, деб баёнот берди Покистон ташқи ишлар вазири Асиф Аҳмад Али.

Покистон ҳукумати Ҳиндистон ядро қурилмасини синаб кўришга тайёрланаётгани ҳақидаги хабарни катта ташвиш билан қарши олди. «Умид қиламизки, халқаро жамоатчилик Ҳиндистонни ушбу синовни амалга ошириш режасидан воз кечишга ундайди», деди у.

Покистон ташқи сиёсат маҳкамаси баёнотида Ҳиндистонда ядро қурилмасининг синаб кўрилиши нафақат Жанубий Осиёда, балки дунёдаги бу хил синовларни тўхтатиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатиши таъкидланган.

Ўз навбатида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Ғарбдаги айрим оммавий ахборот воситаларининг Ҳиндистон Покҳран полигонида (Ражастхан штати) ядро қурилмаси синовига тайёргарлик кўрмоқда, дея тарқатган хабарини шарҳлар экан, бу ерда одатдагидек ҳарбий машқлар ўтказилмоқда, холос, деди.

ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАШИШДА ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН

Покистон Франциядан 150 та «Мираж» Ф-1 жанговар самолётларини сотиб олиш ҳақидаги битимни имзолади. Бундан ташқари, Франция Покистон ҳарбий ҳаво кучлари учун лазер тизимидаги авиабомба ва ракеталар ҳам етказиб беради.

Аввалроқ икки давлат ўртасида 40 та «Мираж» 2000 — 5 жанговар самолётларини Покистонга сотиш ҳақида ҳужжат имзоланган эди.

Мазкур хабарни шарҳлаган Ҳиндистон ҳарбий доиралари Покистон ушбу жанговар самолётлардан ядро қуролини ташишда фойдаланиши мумкин, деган фикрни илгари сурмоқда. Уларнинг таъкидлашича, Покистон ҳарбий ҳаво кучлари жанговар қудратининг кучайиши Жанубий Осиёдаги ҳарбий мувозанатни бузиши мумкин. Бу эса Ҳиндистонни ҳам ўз мудофаа қобилиятини ошириш учун янги чоралар излашга мажбур қилади.

ОСОЙИШТАЛИК ЯНА БУЗИЛДИ

Ливаннинг жанубида маълум вақт ҳукм сурган осойишталик яна бузилди.

Исроил қўшинлари Ливаннинг жанубидаги аҳоли масканларини ва ислом жангариларининг қароргоҳларини кун бўйи тўплардан ўққа тутди. Исроил ҳарбий вертолётлари эса жанубий Ливан осмонида учиб юрди.

Шу куни Ислом қаршилик кучлари Исроил қўшинлари ва улар билан ҳамкорлик қилаётган «Жанубий Ливан армияси»га қарши бир неча бор ҳужум уюштирди.

Асакадаги ип йигирув ва тўқув фабрикаси ишчи ва хизматчилари тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: сифат назоратчиси Тўхтахон Хўжаева, ип йигирувчилар Турсуной Абдуллаева ва Робия Мамасолиевалар бажарган иш сифатини текширмоқда.

А. АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

• Во, ажаб!..

ХУЛОСА ЭСА СИЗДАН...

Термиз пахта тозалаш заводида ўтган йилнинг кейинги беш ойи ичида уч маротаба ёнғин содир бўлди

Гапнинг очиғи, бу корхона ишларига кўз тегди. Агар кўз тегмаса, аньанага кўра, ҳар йили бир мартадан содир бўладиган ёнғин 1995 йилнинг атиги беш ойи мобайнида уч марта рўй бермаган бўлармиди?

Агар заводга кўз тегмаса, завод директори Ш. Ўташевдан тортиб, токи электрик Р. Кирилловгача бўлган ўн олти киши «ёнғин хавфсизлиги қоидасини бузганликлари учун» жарима тўлаган бўлармиди?

Агар кўз тегмаса, ушбу йилда меҳнат жамоаси ва улуғлари орасидан меҳр-оқибат бир қадар кўтарилмаган бўлармиди?

Агар кўз тегмаса, Термиз шаҳридаги ўт ўчирувчилар кечаю-кундуз мазкур пахта тозалаш заводининг ташвиши билан беҳаловат яшамаган бўлармиди?

Вужудга келган аҳволдан қаттиқ ташвишланган Термиз шаҳридаги ўт ўчириш қисми бошлиғи, ички хизмат капитани Зокир Бобоқулов юқори идораларга, тинимсиз равишда ёзма ахборотлар бериб турибди. Улардан бирида шундай дейилади:

«Термиз пахта тозалаш корхонаси раҳбарлари ёнғинга қарши берилган ёзма кўрсатмалардаги тадбирларни бажаришга ўта совуққонлик билан қарашмоқда. Шу сабабли 1995 йил 23 июнь куни эрталаб соат 11.00 да ва 30 июнь куни эрталаб соат 08.30 ларда ёнғин содир бўлди. Шу йил 2 ноябрь куни соат 03 дан 57 дақиқа ўтганда тайёр маҳсулотлар сақлаш омборхонасидаги ёнғин натижасида 20 та тойланган пахтанинг айрим жойлари куйди.

Омборхонадаги давлат мулки тартибсиз сақланмоқда. Ҳар хил тез ёнувчан материаллар билан тайёр маҳсулот, яъни той пахталари йиллар давомида ёнма-ён сақланиб келинмоқда. Ёнғиндан дарак берувчи сигнализация носоз ҳолда. Омборхона биринчи даражали ўт ўчириш асбоблари билан таъминланмаган.

... Завод ишчиларидан қўнгилли ўт ўчириш жамоаси тузилмаган. 3-ўт ўчириш ҳовузи сув билан тўлдирилмаган. Ўт ўчириш автомашинаси бир неча йиллардан бери очиқ ҳавода сақланмоқда. Ёнғин чиқиш хавфи борлиги аниқланиб, завод устахонаси, омборхонаси ва ёнилғи қуйиш шаҳобчаси ишлари беш мартаба вақтинча тўхтатилди. Давлат ёнғиндан сақлаш назоратчилари қанчалик талабчан бўлмасин, Термиз пахта тозалаш корхонасида ёнғин чиқиш хавфи кундан-кунга ошиб бормоқда».

Агар ахборотга эътибор қилган бўлсангиз, дастлабки иккита ёнғиннинг орасида атиги етти кун фарқ бор. Яъни пахта тозалаш заводига 23 ва 30 июнда ўт балоси хавф солади. Воқеалардан хабари бўлмаган киши, ўт қандай чиқди экан, деган савол пайдо бўлади, албатта. Заводдагилар биринчи ёнғинни «Т-48» русумли пахта кўтаргич трактор ковшининг пастки қисми тошга тегиши натижасида чиқди, дея расмийлаштиришди. Фалокат оёқ остида деганлари шу-да. Хўш, унда 30 июндаги ёнғин қандай рўй берди? Корхона бош энергетиги Қўлдош Холлиев шундай дейди:

— Бу ёнғин бевосита бизнинг айбимиз билан бўлди. Сабаби: изолента йўқ, уни олишга маблағ етишмайди.

Заводнинг электр-чилангари Р. Кириллов иккинчи ёнғинни шундай шарҳлайди:

— Пахталарни баландга чиқариб берадиган узатгичнинг кабели яхши уланмаган. Уланган жойига эса «ПХВ» трубаси қўйилган. Устидан машиналар ўтавериб, эзилган ва оқибатда учқун чиқиб кетган.

Завод ўт ўчириш бўлими бошлиғи Панжи Қодировнинг дарди ҳам оз эмас:

— Бу ерда 1968 йилдан бери ишлайман. Гапнинг тўғриси, ука, кейинги пайтларда ҳаловатимни йўқотдим. Бизда, ҳатто ўт ўчириш анжомларимиям ўғирлашмоқда. Агар болта, паншаха, илгак қўйсак, бир кечада ғойиб бўлади... Биттаю битта ўт ўчириш машинаси ҳам гараж йўқлиги туфайли очиқ майдонда турибди. Пахта тойлари ва чигитнинг очиқ ерда туриши ҳам жой етишмаслигидан. Ўша 2 ноябрда чиққан ёнғин пайтида ўт ўчириш машинаси пахта ва чигитлар бетартиб уюб ташланганидан оловга «йўл» тополмади.

Тойланган пахта пешма-пеш олиб кетилиши керак. Ёнғин чиқиши ишчиларнинг руҳий кайфиятига ҳам, албатта, салбий таъсир қилади. Чунки ёнган пахта шу одамларнинг нони, бойлигидир.

— Бизни бир нарса ҳайрон қолдирди, — дейди Термиз шаҳар I-ўт ўчириш қисми бошлиғи Зокир Бобоқулов, — 2 ноябрь саҳар пайтидаги ёнғинни ўчиришга борган ҳодимларимиз оловни даф қилиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилаётган бир пайтда, заводнинг тунги сменаси ишчилари шунчаки томшабин бўлиб туришди. Ажабланарлиси, шу куни қоровулхонадаги телефон ҳам ишламаган... Ёнғин чиққанлиги ҳақидаги хабарни қоровул бошқа идорадан телефон қилиб айтган.

Завод директори вазифасини бажариб турган бош муҳандис Шерқул Ҳакимов шундай дейди:

— Бу гапларни газетага олиб чиқишнинг ҳожати йўқ. Камчиликларимизни йўл-йўлакай ўзимиз ҳал қиламиз. Тўғри, бизда техника воситалари тақчил. Масалан, чигит, тола юклайдиган машиналар етишмайди. Борларига эҳтиёт қисмлари топилиши қийин...

Пахта тозалаш заводида бўлаётган ёнғинлар вилоят пахта саноат-сотиш давлат акционерлик бирлашмаси раиси Фарҳод Бобоевни ҳам қаттиқ безовта қилаётган экан. У киши ҳам айрим мулоҳазаларини билдирди:

— Чигитнинг хирмон бўлиб уюлиб қолишига «Сурхон озиқовқат» ҳиссадорлик жамоа корхонаси айбдор. Чунки корхона Термиз темир йўл станциясига вагонлар учун вақтида пул тўламаган. Табиийки, пул тўланмагач, вагон ҳам берилмаган.

Бирлашма раиси муовини Жалол Халилов ҳам бу гапларга қўшимча қилди:

— Тартибга кўра, тайёр маҳсулотлар заводдан уч кундан ортиқ сақланмаслиги керак. Ҳолбуки, ҳозир Деновда жойлашган «Сурхон озиқовқат» ҳиссадорлик жамоа корхонасидагилар чигит йўқ, деб арз қилишади. Бу ерда эса чигит деганингиз уюлиб ётибди. Чигит ва толанинг қоришиб ётганлиги, пировард натижада, сифатга ҳам путур етказади. Пахта тойлари алоҳида, чигит алоҳида бўлиши керак...

Термиз пахта тозалаш заводида кейинги беш ойнинг бадалида содир бўлган уч ёнғин ва уларнинг тафсилотлари қисқача шулардан иборат. Хулосани эса ўзингиз чиқариб оласиз...

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
жамоатчи мухбир.

... 1995 йил ҳам ортда қолди, янги йилнинг илк кунлари эса мозий зарварақларидан бир-бир жой олмоқда. Ўтган йил, албатта, воқеаларга бой, файзли йил бўлди. Мустақиллигимизнинг қутлуғ тўртинчи йили барчамизга ўзига хос ўчмас таассуротлар қолдирганлиги шубҳасиз. Зеро, бугунги ўзгаришлар ва туб бурилишлар яқалаётган тарихий бир даврда меҳнаткаш халқимиз ўзгача фикр, янги орзу-умидлар оғушида яшаб, меҳнат қилаётир.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, таҳририятимизга келаётган хатларда ҳам ана шу янгиланишлар даврининг руҳи ва шиддати ўз ифодасини топган. Биз фуқаролар томонидан йўлланаётган мактубларнинг аксариятидан фойдаланишга, уларнинг талаб-истакларию, фикр-мулоҳазалари, қувонч ва ташвишларини кенг ўқувчилар оммасига етказишга ҳаракат қилаяпмиз. 1995 йилда редакциямизга жойлардан 5500 дан ортиқ хат-хабар келди. Шулардан 4300 га яқини газета саҳифаларида эълон қилинди.

Шунингдек, келган шикоят, аризалар ҳамда газетада чоп этилган танқидий мақолаларда қаламга олинган хато ва камчилик-нуқсонларни текшириб, тегишли чоралар кўришларини сўраб мутасадди раҳбарларга ўз вақтида хат жўнатиб турилибди. Ўтган ўн икки ой мобайнида уларда кўрсатилган муаммоларни ижобий ҳал этилганлиги тўғрисида мутасадди раҳбарлардан 348 та жавоб олдик. Шикоят ва аризаларнинг умумий сони эса 553 тани ташкил этди. Улар асосида 220 дан ортиқ танқидий мақола тайёрланди. «Бир хат изидан», «Хатга эътибор — элга эътибор» каби рукнлар остида чоп этилаётган танқидий мақолалар, хусусан, вақти-вақти билан бериб борилаётган «Халқ сўзи-ҳақ сўз» умумий сарлавҳали хатлар саҳифаси муштарийларга олдиндан яхши таниш.

Биз ушбу йилда ҳам фуқаролар томонидан йўлланаётган мактубларга газетамиз саҳифаларидан янада кенгроқ ўрин беришни изчил давом эттирган ҳолда Сиз азиз муштарийлардан мулоҳаза ва мунозарага чорлайдиган янги-янги хатларни кутиб қоламиз...

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

• Нуқтаи назар

ИЗЛАНИШ СЕЗИЛМАЯПТИ

Кейинги пайтда республика «Ойнаи жаҳон»даги айрим кўрсатувлар хусусида ўринли эътирозлар билдирилаяпти.

Газета ва журналларда ёзилмоқда. Телетомошабинларнинг талаб, таклиф, мулоҳазалари бериб борилляпти. Жумладан, аксарият бадиий ва видеофильмларни такрор-такрор намойиш этиш давом этаётир. Баъзи давра суҳбатлари гоят зерикарли. Янги, шу куннинг мавзуидаги видеофильмлар яратилмаётир. Томошабинда завқ-шавқ уйготадиган, эътиборни жалб этадиган кўрсатувлар кам.

Баъзи ҳолларда дастурда белгиланган айрим кўрсатувлар ўз вақтида намойиш этилмайди. Ёҳуд, бошқа кунга, соатга «кўчирилади».

1995 йил 7 ноябрь куни оиламиз аъзолари билан кеч соат 19.50 да (Ҳафталик дастурда қайд этилган) «Ўзбектелефильм»нинг «Той бола» видеофильмини кўриш иштиёқида эдик. Аммо унинг ўрнига «Обычный день» деб номланган видеофильм кўрсатилди?!.

Абдуазиз ҲОШИМОВ,
Каттақўрғон шаҳар маданият ишлари бўлими ходими.

• Миннатдор қалб изҳори

КЎПРОҚ БЎЛАВЕРСИН

«Халқ сўзи»нинг 1995 йил 25 октябрь сонида ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Кўчамдан жонон ўтганда», «Каркидонлик ростгўй», «Ҳаммага етади» номли публицистик очеркини ўқиб, яйраб кетдим.

Ўзимни севимли адибимиз билан биргаликда Наманган пахта далаларида ҳис қилдим. Пахтачилик бригадасининг бошлиқлари ака-ука Ғанивой, Эргашвойлар билан дилдан суҳбатлашгандай бўлдим. Отахон боғбоннинг узумларини татиб кўргандай, тамшаниб қўйдим.

Одил Ёқубов, Примқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ҳам долзарб, замонавий мавзуларда очерк ва публицистик мақолалар ёзишса, ўқувчи, муштарий қалбини тўлқинлантирадиган, ҳаяжонлантирадиган чиқишлар қилишса, нур устига аъло нур бўларди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
Самарқанд шаҳри.

КИЧИК ИШБИЛАРМОНЛАР

«Соғлом авлод учун» режа-дастури доирасида иш олиб бораётган Жиззах тумани маорифчилари асосий таълим мактабларида ёшларни маълум бир ҳунарга йўналтиришга эришмоқдалар.

Ҳамза номли 13-ўрта мактабда болалар кулолчилик идишлари ишлаб чиқараётган бўлсалар, 13, 22, 37-мактабларда сартарошлик, этикдўзлик сирларини ўрганяптилар, ёрдамчи хўжаликда чорва молларини парвариш қиляптилар. Янги йилдан бошлаб ҳар битта мактаб жамоасига томорқа учун ер ажратилди.

Х. ЖОВЛИЕВ.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ҳамда четдан олиб келинаётган маҳсулотлар сифатини назорат қиладиган ташкилот борми? Маҳсулотларга сифат сертификатини ким беради?

Маҳат МИНГУЛОВ,
Бекобод шаҳри.

Ҳа, бор. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги стандартлаш, метрология ва сертификациялаш Ўзбекистон давлат марказидир. Бу марказнинг қисқа номи «Ўздавстандарт» деб аталади. Ҳозирги кунда республикамизнинг ҳар бир вилоятида унинг ҳудудий марказлари ишлаб турибди. Чирчиқ, Бекобод каби йирик шаҳарларда ҳам «Ўздавстандарт»нинг шоҳобчалари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили бундай марказ Олмалиқ шаҳрида ҳам ташкил этилди.

Энди марказнинг асосий вазифаларига келсак, биринчидан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган асосий маҳсулотларнинг сифатини назорат остига олади. Иккинчидан, марказ республикамизда тайёрланаётган маҳсулотларга сифат сертификатини бериш билан шуғулланади. Фирмалар орқали четдан олиб келинаётган товарларнинг сифатини текшириш ҳам марказ хизматчилари зиммасида.

ХАЛҚ СЎЗИ — ҲАҚ СЎЗ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ — ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЗЗАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

• Зардали нома

НЕГА ГАЗЕТА ДЎКОНИНИ ОЛИБ ТАШЛАШДИ?

Маълумки, газета кундалик турмушимизнинг солномасидир. У ҳаётимизга шундай сингиб кетганки, газетасиз кун ўтказишни тасаввур қилиш қийин.

Шунинг учун ҳам газета саҳифаларида чоп этилаётган ахборотлар, долзарб мақолалар, санъатимиз, тарихимиз, маънавиятимизга оид чиқишларни ҳар куни орзиқиб кутамиз.

Аммо кейинги пайтда Мирзо Улуғбек туманидаги Високовольтний кўчасида, шу кўчадаги бозорча ва «Москва» кинотеатри олдида жойлашган газета дўконлари кимнингдир кўрсатмаси билан олиб ташланди. Одамлар эса газета тополмай сарсон. Бизларни дунё воқеаларидан хабардор қилиб турган оммавий ахборот воситаларидан маҳрум қилганлар газета ўқишармикин?

Т. ҒОИБОВ.
Тошкент шаҳри.

НАФАҚАМИЗГА НИМА БЎЛДИ?

Ҳурматли редакция! Мана бир йилдан ошяптики, биз кексалар тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлигимизга қарамасдан, нафақамизни ҳанузгача олганимиз йўқ.

Бу ҳақда туман ижтимоий таъминот ва почта идораларидан бот-бот сўрайвериб, тоқатимиз тоқ бўлди. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар: «Нафақа ҳужжатларини почтага юборганмиз», деб айтишдан, почта идорасидаги масъул ўртоқлар эса елка қисиб «Йўқ» дейишдан чарчамаяптилар. Гапнинг пўскалласини айтсак, нафақамиз почтага ўтказилиб, изсиз йўқолди.

Мутасаддилар тегишли чора кўрсалар деб сўраймиз.

Раъно ДАМИНОВА,
Ойнахол ТОЖИЕВА,
Деҳқонобод туманидаги Ғарибота қишлоғи.

Ўрта Чирчиқ тумани маркази — Тўйтепа шаҳрида пайпоқ ишлаб чиқарадиган «АНА текстил Ко ЛТД» қўшма корхонаси ишга тушди. Уни тумандаги Ким Пен Хва халқ корпорацияси билан Жанубий Кореянинг «АНА интернешнл» фирмаси ҳамкорликда бунёд этишди.

Ҳозир корхонада 96 ишчи меҳнат қилаяпти. Кореялик мутахассислар келтирган замонавий ускуналарда ҳар ойда юз минг жуфт пайпоқ тайёрлашга имкон яратилди.

СУРАТЛАРДА: тўқув цехида; тўқув машиналари созловчилари С. Масаулов ва Хен Сон Пак; корхона ишчилари А. Чен ва С. Заварзина.

С. ЗУФАРОВ олган суратлар.

• Халқ табобати

ҚЎЛЛАНГ, НАФ КЎРАСИЗ

Карам япроғини суви чиққунча эзиб, пешонага ва икки чаккага бойланса, бош оғригига кони фойдадир. Карамни қулоққурти чуқурчасига ҳам бойлаш мумкин.

***

Томоқ оғриганда қизил лавлаги суви ёрдам беради. Бунинг учун бир чойқошиқ асалга уч қошиқ лавлаги суви аралаштирилади. Ҳар куни уч маҳал бурунга бир неча томчи томизилади. Бир стакан янги согилган сутга бир чой қошиқ асал аралаштириб ичилса ҳам томоқ оғригини ва йўтални бутунлай йўқотади.

***

Бемор кишининг ёстиғи тагига пучоғи арчилган ва майдаланган саримсоқ қўйилса, у теада согайиб кетади.

***

Милк қонаганда эман пўстлоғи ва унинг янги гулларини қўшиб тайёрланган қайнатма билан оғизни чайиш фойдалидир. Чунки эман милкни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Икки ҳисса пўстлоққа бир ҳисса гул қўшиб, бир қошиқ бол аралаштириб, чой каби дамланади.

***

Лимон, қорақант, зирк, анор суви, беҳи, олма, қалампир, узум новдалари юрак ўйнаганда кони фойдадир.

***

Сут-қатиқ, ёнғоқ-майиз, мурч-қалампир, лимон, анжир қонни тозаловчи, фикрни тиниқлаштирувчи омиллардир.

***

Ёнғоқ билан анжирни қўшиб истеъмол қилиш юракни шодлантиради, асаб тизимини мустаҳкамлайди. Кўнглига хотиржамлик келтиради.

***

Ошқозон ва ички касалликларни даволашда мастава катта аҳамиятга эга. Мастава сўзи форсча («мост» — қатиқ, «об» — сув) «мостоби» сўзидан ҳосил бўлган. Дастлаб маставани қатиқ сувида, яъни зардобда қайнатиб тайёрланган. Бунинг учун гилосдай-гилосдай қиймалар тайёрланган, сабзи, пиёз ва бошқа масаллиқлар солиниб қатиқ сувида пиширилган.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

• Мададталаб мактублар

АРО ЙЎЛДА САРСОНМИЗ

Ҳурматли таҳририят!

Мен Богоро қишлоғи меҳнаткашлари номидан сизларга мактуб йўллаяпман. Қишлоғимиз табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган. Бекатлар эса номигагина қурилган, холос. Автобус қатнови умуман йўлга қўйилмаган. Бозор-ўчар ёки касалхонага бориш учун 8 километр пиёда йўл босиш керак.

Биз бир неча бор юқори ташкилотларга арзнома йўлладик, аммо натижа бўлмаяпти. «Сирдарёгаз» вилоят бошқармаси бошлиғи А. Абдугалямовдан қурилиш келгуси йил бошлаб юборилади, деган мазмунда жавоб олдик. Туман ҳокими Э. Мавлоновдан олган хатимизда эса лойиҳа тайёр, бироқ газ тақсимлаш пунктидан 8 километрча масофага тортиш учун қувурлар етишмаслиги, сотиб олишга эса маблаг йўқлиги айтилган. Шундай қилиб, дардимизни кимга айтишни билмай, аро йўлда сарсонмиз.

Муҳаммадашир УЛУҒМУРОДОВ,
Сирдарё тумани.

ВАЪДА ҚУЮҒ-У, АММО...

Шу йилнинг апрель ойида хўжалигимиз меҳнаткашларига ипак қурти тарқатилди. Ҳар қутисига бир қопдан олий нав ун қўшиб берилди. Парваришлаб топширилгач эса пиллакорлар билан кечиктирмай ҳисобкитоб қилиб, ҳақлари тўланади, деб ваъдани қуюқ қилишганди. Аммо...

Пилла топширганимизга олти ойдан ошди ҳамки ваъда қилинган пулнинг дараги кўринмайди. Бунинг устига жамоа хўжалиги бухгалтерияси етиштирилган пилла суммасидан 65 фоизи (?) тўланишини маълум қилди. Бундан пиллакорларимиз ниҳоятда ранжидилар...

Умарали ТЎХТАСИНОВ,
Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.

ЛОҚАЙДЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Биз 1991 йили янги берилган участкаларга кўчиб ўтган эдик. Бироқ бу жой газ, электр токи ва ичимлик суви билан таъминланмаган. Ёрдам сўраб, тегишли ташкилотларга, хусусан, Тўрақўрғон туман ҳокими Омонулла Исматуллаевга мурожаат қилдик, лекин ҳанузгача ҳеч қандай ўзгариш бўлганича йўқ.

Ачинарлиси шундаки, газ трубалари шу маҳалланинг ёнгинасидан ўтган. Водопровод бошқармаси ҳам қўшни маҳалланинг ўзида жойлашган. Электр тармоғини эса хонадон соҳибларининг ўзлари бир амаллаб тортиб келтиришди. Шундай бўлишига қарамасдан, қарийб беш йилдан бери турли оғир шароитларда яшаб келаяпмиз. Ҳар бир оилада уч-тўрттадан ёш бола бор. Табиийки, қишда яшашнинг ўзи бўлмайди. Газ йўқлиги боис уйларни иситиш ва овқат қилиш катта муаммога айланди. Лоқайдлик ҳам эви билан-да! Тумандаги айрим раҳбарларнинг бу даражадаги бепарволигини кўриб ёқангни ушлайсан киши.

Садриддин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Будённий кўчасида яшовчилардан (жами 15 имзо).

МАКСИМ ГОРЬКИЙ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Буюк бобомиз неча асрларки, Шарқда қандай бўлса Ғарбда ҳам худди шундай чуқур қизиқиш уйғотиб келмоқда

БУЮК СОҲИБҚИРОН ҳақида тарихчию файласуфлар, ёзувчию рассомлар, давлат арбобларию мутахассислар кўп ёзишган. Ямий ва бадиий асарлар яратилган, замондошларининг кундаликлари ва эсдаликлари чоп этилган, афсонаю ривоятлар ва, ҳатто, эртаклар тўқилган. Европа саҳналарида спектакллар қўйилган, Амур Темур ҳақида опера ҳам яратилган. Унинг ҳайратомуз ва буюк ишлари хусусида кўҳна ўзбек ва форс, ҳинд ва араб, лотин ва эски испан, фаранг ва итальян, инглиз ва немис, рус ва турк, арман ва гуржи, яна бошқа ўнлаб тилларда турли рисолалар битилди.

Чунончи, буюк рус ёзувчиси И. С. Тургенев Темур ҳақида рус ва фаранг тилларида ёзилган адабиётларни қизиқиб ўқиб, ўрганган. Туркистон ўлкасини тадқиқ қилиш билан шуғилланган кишилар, хусусан, шарқшунос олим Н. Хаников билан алоқада бўлган. Бу олимнинг рисолаларида Темур ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни топиш мумкин эди. Иван Сергеевичнинг буюк ҳукмдорга нисбатан ҳурмати баланд бўлиб, ўзининг қатор асарларида Темур ва унинг авлодлари ҳақида илиқ-иссиқ гаплар айтган. Ёзувчи соҳибқиронинг лашкарбошилик салоҳиятини, айниқса, юқори ва ижобий баҳолаган.

М. ГОРЬКИЙНИНГ Амир Темур шахси билан танишуви ҳам эътиборга молик воқеа бўлган. У тарихчи олим, профессор Т. Грановскийнинг соҳибқирон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан хабардор эди. Венгер олими Г. Вамберининг «Бухоро ёки Трансоксаниянинг энг қадимий даврдан ҳозиргача бўлган тарихи...» китобини, 1873 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган асарларнинг немисчадан таржималарини ўқиган. Бу монографиянинг бир нечта бобида Темур ва темурийлар даври тарихи баён этилган. М. Горький Испания элчиси Гонзалес-де-Клавихонинг «1403-1406 йилларда Темурнинг Самарқанддаги саройига саёҳат кундаликлари»ни ўқиб ўрганди. Ушбу асар рус тилида 1881 йили ҳаёт юзини кўрди. Алексей Максимович А. Амфитеатровга ёзган хатида шундай деганди: «Темур ҳақида Гонзалес Клавихонинг «Академия»да чоп этилган ажойиб китоби бор. Бу элчи хўп баъмани йигит бўлиб, кўп нарсага ақли етаркан». Шунингдек, М. Горький фаранг тарихчиси А. Лянглэнинг 1890 йили Тошкентда рус тилида чоп этилган «Темурнинг ҳаёти» китобидан ҳам фойдаланган. М. Горькийнинг шахсий кутубхонасида ўзбек тилидан таржима қилиниб, 1894 йилда чоп этилган Темурнинг таржимаи ҳоли ҳам сақланиб қолган. Ёзувчи ушбу наёб рисоланинг ҳукмдор ошкора қабуллар ўтказгани ва камбағалларнинг арз ва истакларини тинглаши баён этилган саҳифаларига алоҳида эътибор қаратган. Ана шундан олган таассуротлари асосида М. Горький 1911 йили Темур ҳақида ҳикоя ёзди. У «Темур ва Она ҳақида эртак» деб номланган. Унда ёзувчи онанинг Италиядаги энг узоқ музофот — Салернодан Темурнинг кўҳна Самарқанддаги саройига қандай қилиб ва нима мақсадда келганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Она «чанга беланган, сочлари тўзғиган ва, ҳатто, ақлдан озганнома аҳволда» эди. У қароқчилар ўғирлаб кетган олти ёшли ўғилчасини излай-излай, бу узоқ ўлкага келиб қолганди. Турк султони Боязитнинг аскарлари қароқчиларни қўлга туширишади, Темур эса шу пайтда Боязитни мағлуб этади ва бинобарин султондаги бор нарсаларнинг ҳаммаси унинг қўлига ўтади. Она мағлублар ва асирлар орасидан ўз ўғлини топиб беришни Темурдан талаб қилади.

М. Горький ёзади: «Она Темурга деди: «Сенинг шиоринг «Куч — адолатда» эканлигини менга айтишди. Аммо бунга ишонмайман, бироқ сен менга нисбатан адолат қилмоғинг керак, чунки мен — Онаман!» Шоҳ шу даражада оқилу доно эдики, она нақадар қўпол муомала қилган бўлмасин, унинг сўзлари замиридаги холис қудратни фаҳмлаб етди ва деди: «Ўтир ва сўзла, мен сени тинглайман».

Темур саргардон онани диққат билан тинглаб, унга чуқур ҳамдардлик билдирди, ўзининг бевақт ўлим топган ўғли Жаҳонгирни ҳам эслаб, кўзига ёш олди. Бечора онанинг дард тўла сўзлари ҳукмдорнинг қалб тубигача етиб борди ва у ҳаёт шамчироғи бўлмиш аёл қудрати ҳақида ўйга толди. Ҳақиқатан ҳам «улар (аёллар) кучлироқ севишади, матонатлироқ курашадилар». Сўнг ҳукмдор деди: «Мен тангри қули — Темур! (Бу сўзларни М. Горький ўз қўли билан ўзбекча ёзган — А. А). Сўзимни тингланг! Уч юз чоғли отлиқ аскар ҳозироқ менинг тасарруфимда бўлган ерларнинг ҳамма буржларига йўл солсин ва онанинг ўғлини топиб келтирсинлар. Унгача аёл шу ерда яшайди ва мен ҳам у билан бирга болани кутаман. Ва ўша болани отига миндириб қайтган аскаримни ҳурсанд қиламан! Шундайми, аёл?»

Она юз-кўзларини тутиб кетган қора сочларини тузатиб, ҳукмдорга кулиб боқди-да, бош иргаб жавоб берди: «Шундай, шох!» Унинг сўзларини эшитган кекса Темур ўрнидан туриб, онага унсиз таъзим қилди».

Кўриниб турибдики, ҳикояда аёлларнинг буюк яратувчан қудрати ҳақида сўз бораяпти ва бу орқали Амир Темурнинг жафокаш аёлларга нисбатан инсоний муносабати баён этилмоқда. Ушбу ҳикоя бир йўла Россиянинг учта газетасида босилиб, сўнгра Европада немис ва итальян тилларига таржима қилиниб, чоп этилди. 1912 йилда эса у «Италия ҳақида эртаклар» тўпламига киритилди. 1915 йилда «День» газетаси М. Горькийнинг бошқа асарларини босиб чиқарди. Унда ҳам кўпроқ ҳукмдор ҳақидаги ҳикоят ва ривоятларга асосланган эди.

«Италия ҳақида эртаклар»даги инсонийликка оид жўшқинлик кўпгина мамлакатларда кенг акс-садо берди. И. Бунин, И. Гладнев, М. Коцюбинский, И. Белоусов, С. Сургучёв каби рус зиёлиларининг таниқли вакиллари унга юксак баҳо бердилар. Шоир Д. Семеновский шундай ёзган эди: «Темур ҳақидаги ривоятлар менга, айниқса, ёқди. Улар онаёл ва ҳаёт ҳақидаги мадҳия бўлиб янграйди. Умуман, ҳамма ҳикоятлар ажойиб бўлиб, ҳаёт гўзаллиги, мадҳияси янглиғ ёқимли жаранглайди».

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ИЗОҲ: ҳамма кўчирмалар М. Горькийнинг тўла танланган асарларидан олинди. М. Наука, 1971 йил.

БИР ЛУҒАТДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Республикамизда бозор муносабатларининг ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши луғатчи олимларимиз, иқтисодиёт атамалари луғати тузувчилар олдига кундалик ҳаётимизга шитоб билан кириб келаётган бозор иқтисодиёти атамаларини тартибга солиш, бу соҳадаги ҳар хилликка барҳам бериш вазифасини қўймоқда.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Инглизча-ўзбекча-русча иқтисодиёт атамалари луғати» (тузувчи Ж. Дўстмуҳамедов, тақризчилар: иқтисод фанлари доктори Х. Собиров, доцент Г. Ш. Муҳитдинова, муҳаррир-доцент Й. Аъловев) сўз бошида ёзилганидек, ҳозирги давр инглиз иқтисодиёти адабиётларида кўп учрайдиган 4000 га яқин махсус сўз ва сўз бирикмаларининг «ўзбек ва рус тилларидаги муқобил шакларини тўла ва аниқ ифодалаб, таржима қилиб», «ўзбек тили иқтисодиёти атамаларини қўллашда йўл қўйилган», «чалкашликларга барҳам бериш» муддаоси илгари сурилади. Тилимизга инглиз, рус ва бошқа тиллар орқали кириб келаётган атамаларни ҳар ким ўз билганича қўллаётган, айнан бир маънони англатувчи тушунча газета ва журналларда, бошқа босма нашрларида турлича шаклларда ифодаланаётган бир шароитда бундай иш таҳсинга лойиқ, албатта. Тўғри, луғатда ҳозир кенг қўлланилаётган иқтисодиёт атамалари, асосан, қамраб олинган, «инглизча шартли қисқартмалар рўйхати»да жаҳон иқтисодиёт ташкилотларининг русча ва ўзбекча номланиши келтирилган. Башарти, мана шуларни луғатнинг ютуғи дейдиган бўлсак, эътиборга сазовор жиҳатлар шу билан тугайди ҳисоб. Чунки луғатнинг атамалар, сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбекча муқобили тўғри берилмаганини кўрамиз.

Луғатнинг дастлабки саҳифаси (9-бет)ни очамиз. «Счёт»га мана бундай таъриф берилади: «Ҳисоб (тўланадиган пул ҳажми кўрсатиладиган ҳужжат, банк ёки бухгалтерия ҳисоби). Ушбу сўз мазкур ўринда «учёт», яъни ҳисоб, ҳисобга олиш маъносида ишлатилмоқда. Шундан келиб чиқиб «банковский счёт» — «банк ҳисоби», «текущий счёт» — «жорий ҳисоб» ва ҳоказо деб кетилаверилади. Ваҳоланки, сал илгарироқ «счёт» ёки «ҳисоб рақами» деб юритилган ушбу атама истеъмолда барқарор равишда ҳозирги пайтда «ҳисобварақ» деб ишлатилмоқда. Шу бетнинг ўзида «ҳисоб» сўзи «счёт»дан ташқари балансга нисбатан ҳам («народнохозяйственные балансы» — «халқ хўжалик ҳисоби») (тўғриси — «халқ хўжалиги балансларини»), омонатга нисбатан ҳам («срочный вклад» — «муддатли омонат» (ҳисоби) қўлланилган. 10-бетда: «буҳгалтерия» атамаси «ҳисоб-китоб» деб, «исчисление национального дохода» «миллий даромад ҳисоби» (тўғриси — «миллий даромадни ҳисоблаб чиқариш») деб, 32-бетда худди ўша «бухгалтерия» сўзининг ўзи «Ҳисоб-китоб бўлими», 17-бетда «бухгалтерская книга» «ҳисоб-китоб китоби» деб олинган (ҳатто бундай ҳолларда «книга» «дафтар» деб олинишидан ҳам кўз юмилган).

Луғатда аниқ бир атама юқоридаги каби бошқа сўзларга нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, русча «акционерный», «компания» сўзлари «ширкат» деб олинган (20-бет: «акционерный капитал компаний» — «ширкат (акционер)лар сармояси», 25-бет: «акционерное общество» — «ширкат жамияти»).

Бундан ташқари, луғатда нотўғри талқин қилинган сўз ва сўз бирикмалари анчагина. Мисолларга мурожаат қиламиз: «регулирование» «мувофиқлаштириш» деб олинган. Бу сўз ўзбек тилида бошқариш, тартибга солиш маъносини англатади ва шундай қўлланилади (кейинги ўринларда тушунчанинг бизнингча ўзбек тилидаги муқобил варианти қавсда кўрсатилади), скидка — сийлов (чегирма), посредник — гумашта (воситачи), предметы потребления — истеъмол моллари (истеъмол буюмлари), ходовой товар — бозоргир мол (харидоргир мол), неходовой товар — касод мол (ўтмас мол, касод молнинг русчаси залежалый товар), чистая выручка — соф тушган пул (соф тушум), внешний платежный баланс — хорижий тўлов баланси (ташқи тўлов баланси), государственный банк; частный коммерческий банк — мамлакат (хусусий тижорат) банки (давлат банки; хусусий тижорат банки), несостоятельный должник — инқирозга учраган қарздор (қарзини тўлай олмайдиган қарздор), банкротство, несостоятельность — инқирозга учраш, барбодлик (банкротга учраш, қарзини тўлай олмаслик), коммерческая сделка — савдо фаолияти (тижорат битишуви), совместитель — икки ёки бир неча вазифада ишловчи (ўриндошлик тарзида ишловчи), недвижимое имущество — кўчириб бўлмайдиган мол-дунё (кўчмас мулк), классификация — тавсифлаш (таснифлаш), неквалифицированный труд — унумсиз меҳнат (малакасиз меҳнат), сообщество — уюшма, ҳамдўстлик (ҳамжамият), коэффициент прямых затрат — аниқ кирим-чиқим коэффициенти (тўғридан-тўғри ҳаражатлар коэффициенти), дефицитные товары — танқис моллар (тақчил моллар)...

Шунингдек луғатда ўсим (10-бет), исроф истеъмол (26-бет), таъминот ходимлар мажмуи (96-бет), савдо ҳунари (101-бет, русчаси: торговое ремесло), савдо найранглари (18-бет, русчаси: торговые комбинации), жами баланс (14-бет), тўлови лозим бўлган ҳисоблар (16-бет), тижоратгоҳ (39-бет, русчаси: биржа), ижтимоий истеъмол маблағ (русчаси: общественный фонд потребления) каби ўринсиз қўлланилган.

Албатта, луғат яратиш машаққатли иш. Бунинг учун йиллар давомида кундалик нашрларни синчиклаб кузатиб бориш, янгидан расм бўлаётган ва ҳар хил қўлланилаётган атамаларнинг энг мақбулини, умум томонидан тан олинганини танлаб олиш, зарур бўлади.

Дониёр БЎРОН ўғли,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Жажжи бармоқларинг уйғотсин куйни,
Чалавер, қизгина, тўлдириб уйни...
Неки гўзаллик бор, куй яратади,
Уйғотса дунёни — куй уйғотади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурат-лавҳаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
15 ФЕВРАЛДАН 6 МАРТГАЧА
ФАҚАТ ЙИГИРМА КУН
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ
ЮЛДУЗЛАРИ - ЕТАКЧИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМЛИ РАНГ-БАРАНГ ДАСТУРЛИ
ТОМОШАЛАРИДА
Акробатика, гимнастика, эквилибристлик мувозанати ва жанглёрлик санъатида жаҳоншумул ютуқларга эришган артистлар қатнашади.
Томошалар
СОАТ 18.00 ДА, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ 12.00, 15.00 ДА БОШЛАНАДИ.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ЧИПТАЛАРНИ БАРВАҚТ СОТИБ ОЛИНГИЗ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
44-35-91, 44-29-04.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!
Сиз қанд-шакар етказиб бериш тўғрисидаги шартномамизга биноан ўз улушингизни сотиб олсангиз,
ойига 20 фоиздан 27 фоизгача фойда кўрасиз.
Банк векселлари билан ҳақ тўлаш мумкин.
1000 сўм + 1 ой = 1200 сўм.
Бизнинг манзил:
Тошкент, Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6-уй, 101-хона.
Телефонлар: (3712) 34-05-07, 34-00-98.
Ҳар бирингиз биз билан бирга даромадли бўлишингиз мумкин.
Бунинг учун бизга учрашсангиз бас!

«Зеленое яблоко», «Роза», «Ромашка», «Каштан», «Яичний» ва бошқа машҳур болгар шампунлари, шунингдек, Англияда ишлаб чиқарилган лезвиялар ва бир марта фойдаланишга мўлжалланган соқол олгичларни бозор нархидан анча арзон боҳоларда кўтарасига олшингиз мумкин.
Ҳисоб-китоб — нақд пулда.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М. Горький кўчаси, 42. Тел.: 67-39-09, 36-70-53.

РАМАЗОН ОЙИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Рамазон Ислом оламида энг муқаддас ой ҳисобланади. Мусулмонлар Рамазон ойини, биринчидан, Қуроъни Карим нозил бўлганлиги учун табаррук саналар, иккинчидан, Исломда фарз қилинган рўза тутиш ҳам ана шу муборак ой давомида адо этилади.

Рўза тутишнинг хосияти, савоби, киши маънавияти ва соғлиги учун кони фойда эканлиги хусусида диний китобларда алломалар томонидан кўплаб ҳикматли гаплар айтилган.

Рўзадор киши ўттиз кун тоат-ибодатда бўлади, гуноҳ ишлардан ўзини тияди, ногирон, ҳаста ва майиб-мажруҳ кишилар аҳволидан хабар олади. У мажруҳ ишларга қўл урмайди, Аллоҳдан ўзининг аввалги ва кейинги гуноҳларини кечиришни сўрайди, ҳам жисман, ҳам қалбан покланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин динга, Ислом қадриятларига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга амал қилинмоқда. Унга мувофиқ ҳар бир фуқарога эътиқод қилиш эркинлиги берилган. Шу боис айни кунларда давом этаётган Рамазон ойи муборак бўлсин, у ҳар бир хонадон ва юртимизга қут-барака келтирсин, деймиз.

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ
Навайту ан асума савма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби холисан лиллаҳи Таала. Аллоҳу акбар.

Рамазон кунлари	ЯНВАРЬ-ФЕВРАЛЬ	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
3	23	СЕШАНБА	6.02	17.26
4	24	ЧОРШАНБА	6.01	17.27
5	25	ПАЙШАНБА	6.01	17.29
6	26	ЖУМА	6.00	17.31
7	27	ШАНБА	5.59	17.32
8	28	ЯКШАНБА	5.58	17.33
9	29	ДУШАНБА	5.58	17.34
10	30	СЕШАНБА	5.57	17.35
11	31	ЧОРШАНБА	5.56	17.36
12	1	ПАЙШАНБА	5.55	17.37
13	2	ЖУМА	5.54	17.38
14	3	ШАНБА	5.53	17.40
15	4	ЯКШАНБА	5.52	17.41
16	5	ДУШАНБА	5.51	17.42

Аллоҳ таоло учун ихлосим бирла Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу ахбар.

Рўзанинг бошланиши ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ
Аллоҳумма лака сумту ва бика амантту ва алайка таваккалту, ва ала ризқика афтарту, фағфирли Ё, Ғаффору ма қолдамту ва ма аххарту

Рамазон кунлари	ФЕВРАЛЬ	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
17	6	СЕШАНБА	5.50	17.43
18	7	ЧОРШАНБА	5.48	17.45
19	8	ПАЙШАНБА	5.47	17.47
20	9	ЖУМА	5.46	17.48
21	10	ШАНБА	5.45	17.49
22	11	ЯКШАНБА	5.44	17.51
23	12	ДУШАНБА	5.42	17.52
24	13	СЕШАНБА	5.41	17.53
25	14	ЧОРШАНБА	5.40	17.54
26	15	ПАЙШАНБА	5.38	17.56
27	16	ЖУМА	5.37	17.57
28	17	ШАНБА	5.36	17.57
29	18	ЯКШАНБА	5.34	17.58
30	19	ДУШАНБА	5.33	17.59

Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга ниймон келтурдим ва сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй, гуноҳларни афв қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил ва ярлақагил.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти Р. Ғаффоровга рафиқаси
Барно ҒАФФОРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Янгитошкентконсерва» ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият бошқарув раиси
Озод ХЎЖАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси жамоаси «Янги Тошкент консерва» ҳиссадорлик жамияти раиси
Озод ХЎЖАЕВнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси шу институт декани А. Хўжаева акаси
Озод ХЎЖАЕВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ҲИМОЯЧИ (АДВОКАТ)

Ҳимоячи ким? Унга қачондан бошлаб рухсат этилади?

Л. САИДОВА,
Тўрақўрғон шаҳри.

Ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида адвокатлар ҳайъатининг аъзолари, ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишга терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкин.

ҲИМОЯЧИДАН ВОЗ КЕЧИШ МУМКИНМИ?

Агар кўнглимни қониқтирмаса, ўз ҳимоячимдан воз кечсам бўладими?

Р. ДОЛИЕВ,
Оқдарё тумани.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бунда адвокат ҳимояда воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАР

Исталган киши фуқаровий даъвогар бўлиши мумкинми?

Д. НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳри,
Оқтепа массиви.

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир— Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Босишга топширилди — 20.30.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 123456